



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 5 август, № 158 (9053)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев  
Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан  
4 август куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Туркманбоши шаҳри  
аэропортида давлатимиз  
раҳбарини Туркман халқининг  
миллий етакчиси,  
Халқ Маслаҳати Раиси

Гурбангули Бердимухамедов  
кутиб олди.  
Президент Шавкат  
Мирзиёев Туркманбоши  
шаҳрига келган Гурбангули

Бердимухамедов билан учрашув  
ўтказди.  
Сўхбат аввалида давлатимиз  
раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни

БМТнинг Денгизга чиқиш  
имкони бўлмаган ривожланаётган  
мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси  
юксак савияда ўтказилди.

зилаётгани билан самимий кутлаб, унинг кун тартибига киритилган масалалар минтақамизнинг барқарор тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.  
Жорий йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган учрашувда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.  
Дўстлик, ўзаро ишонч ва умумий манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган кўп қиррали ҳамкорлик суръати ортиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.  
Барча даражада самарали ва фаол мулоқотлар давом этмоқда. Йил бошидан буён товар айирбошлаш 600 миллион долларни ташкил этди. Санат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация чуқурлашиб бормоқда.  
Биргаликда “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси ташкил этилмоқда, фаол ҳудудлараро

алоқалар ва гуманитар алмашинувлар давом эттирилмоқда.  
Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари, Ишбилармонлар кенгаши, Ҳудудлар форуми, қатор маданий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.  
Шунингдек, БМТ конференцияси кун тартиби ҳамда жорий йил кузда Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви юзасидан атрофлича фикр алмашилди.  
Ўзбекистон етакчиси 5 август куни БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган махсус тадбирда иштирок этади ҳамда қатор икки томонлама музокаралар ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Матбуот хизмати  
сурати.

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев  
5 август куни Туркменистоннинг “Аваза”  
туристик зонасида бўлиб ўтадиган БМТнинг  
Денгизга чиқиш имкони бўлмаган  
ривожланаётган мамлакатлар бўйича  
III конференциясида иштирок этади.

### Биз ва жаҳон

III конференция БМТ Котибияти томонидан Туркменистон ҳукумати билан биргаликда ташкил қилинган.  
Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, 100 дан ортиқ юқори даражадаги делегациялар, жумладан, 32 та ривожланаётган мамлакат вакиллари, шунингдек, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш қатнашиши кутилмоқда.  
Конференция доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар тадбирлар, жумладан, Марказий Осиё давлатларининг кунлари, маданияти, санъати ҳамда миллий таомлари намойиш этилади. Шунингдек, минтақа давлатларининг ютуқлари, сармоявий ва инфратузилма лойиҳалари, технологик ечимларига бағишланган кўргазма бўлиб ўтади.  
Денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига БМТга аъзо 32 та давлат қиради. МДҲ мамлакатлари орасида Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон унинг иштирокчиларидир. Гуруҳнинг асосий вазифалари аъзо мамлакатларнинг жамоавий иқтисодий манфаатларини ривожлантириш ва илгари суриш, глобал миқёсда келишилган мақсад ҳамда ҳаракат дастурларини самарали амалга ошириш, БМТ, Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа кўп томонлама форумлар доирасида асосий халқаро иқтисодий масалалар бўйича уларнинг умумий позициясини мустақамлашдан иборат.  
Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича халқаро конференция муҳим қарорлар қабул қилишнинг асосий платформи бўлиб, у ҳар ўн йилда бир марта ўтказилади.  
2003 йилнинг 28-29 август кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 57/242-резолюциясига мувофиқ Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича биринчи халқаро конференция чакрилди. Ушбу йиғилиш олдинда ҳукуматлараро тайёрлов кўмитасининг очиқ иккита мажлиси бўлиб ўтди.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2 август куни Тошкент шаҳрида  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи  
мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.  
Видеоконференцалока тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.  
Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.  
Ялпи мажлисининг иккинчи иш куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига қирадиган хизматларни кўрсатиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамасида бошланди.  
Қонунга асосан, олий ёки ўрта махсус, профессионал тиббий таълим ташкилотларини таъмонлаган ва давлат рўйхатидан ўтган шахсларга тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.  
Бундан ташқари, унда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кўрсатилмаган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмидан ортиқча тиббий хизматлар ва бошқа хизматлар қўшимча хизматлар бўлиб, улар пуллик асосда амалга оширилиши белгиланмоқда.  
Муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан ушбу қонунда қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлиги таъкидланди.  
Жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосий тартиб-таомилларини қонун даражасида белгилаш мақсадга мувофиқлиги, қонунда тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш мақсади, рўйхатдан чиқариш асослари, бу ҳаракатларнинг оқибатлари, шунингдек, рўйхатнинг очиқ бўлиши, ундан аҳоли фойдаланиши каби масалаларни киритиш лозимлиги қайд этилди.  
Бундан ташқари, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига киритилган.  
Шуларни инобатга олиб, ушбу қонунни қайта кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисида Сенат қарори қабул қилинди.  
Сенатнинг ялпи мажлисида “Халқаро метрик Конвенцияга (Париж, 1875 йил 20 май, 1907 йил 17 октябрдаги, 1913 йил 11 октябрдаги ва 1921 йил 6 октябрдаги ўзгариш ва қўшимчалар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.



### Конференция

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация  
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган  
ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида бўлиб  
ўтаётган тадбирларда қатнашиш учун Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб  
турибди.

Ушбу халқаро тадбир денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатлар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича савдо-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳукуматлар, парламентлар, халқаро ташкилотлар ва экспертлар ҳам-жамияти вакилларини бирлаштиради.  
Мазкур конференция доирасида ташкил этилган “Йўналишни белгилаб: денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун Аваза ҳаракатлар дастурини амалга оширишга қўмаклашиш” мавзусидаги парламент форумидаги нутқида Т. Норбоева Ўзбекистон томонидан денгизга чиқиш имконияти йўқлиги туфайли юзага келаётган иқтисодий ва логистика чекловлари, шу жумладан, ташқи савдонинг мураккаблашуви, транспорт инфратузилмасининг ривожланишидаги муаммоларни алоҳида таъкидлади.



### Қонунчилик палатаси Кенгашида

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Шу йилнинг 29 июль куни Президентимиз ҳузурида ўтказилган  
тақдимотда маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш  
чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилди.

Тақдимот доирасида бу борада Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳам ахборот берилди.  
Маълумки, бундан ролпа-роса беш ой аввал Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифалар доирасида Қонунчилик палатаси томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир қўйма, сиёсий партиялар фракцияла-

ри, комиссиялар кесимида амалга оширилиши зарур бўлган барча чора-тадбирлар аниқ белгиланган олинган эди.  
Утган даврда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, қонунларда коррупцияга имкон берувчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, бу борада таъсирчан парламент назоратини таъминлашга қаратилган Қонунчилик палатаси Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.



Факт ва рақамлар

2025/2026 ўқув йилида мамлакатимиздаги мавжуд 10 170 тадан ортиқ умумтаълим мактабларида 6,7 млн. нафар ўқувчи таълим олишни бошлаши кутилмоқда. Шунингдек,

— янги ўқув йилида **30 дан** ортиқ янги мактаблар ўз фаолиятини бошлайди;  
— жорий йилда ижтимоий, ишлаб чиқариш дастурлари ва бошқа манбалар ҳисобидан **379 та** мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида **112 мингга** яқин ўқувчи ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Янги ўқув йилида **738 минг** нафар бола 1-синфга келиши кутилмоқда. Қабул жараёнлари 15 августга қадар давом этади. 1-синфга қабул қилинаётган болажонлар учун **12 номдаги ўқув қуроллари Президент совғаси** сифатида тайёрланди.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади барча давлатлар учун ўлчовлар бирлигини таъминлаш, умумий ва ишончли стандартлар яратиш, миллий эталонларни ҳалқаро прототиплар билан қиёслаш ва Ўзаро тан олиш имконини берувчи ягона тизимни шакллантиришдан иборат.

Таъкидланганидек, Конвенцияда иш-тирок этувчи давлатларнинг метрологик стандартлар бирлигини таъминлаш, шу жумладан, эталонлар ва аниқлик шкалаларини, геодезик ўлчовларни солиштириш ва калибшлаш, миллий эталонларни халқаро прототипларни эталонлари билан даврий солиштириш ҳамда халқаро прототипларни сақлаш каби муҳим масалалар назарда тутилган.

Сенаторлар томонидан қайд этилишича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг Ҳалқаро тарози ва ўлчовлар бюроси фаолиятида фаол иштирок этиши, овоз беришига имконият яратади. Шунингдек, бу бюронинг илмий ва техник лабораторияларидан фойдаланиш ва етук мутахассисларнинг малакаларини оширишга замин яратади. Бундан ташқари, унга аъзо бўлиш мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга, инвестициялар жалб этувчанлигини оширишга, экспорт салоҳиятини мустақамлашга хизмат қилади.

Бюрога аъзо давлатлар ўртасидаги навбат асосида бюро лабораторияла-

рида эталонларни қўшимча харажатларсиз калибрлашдан ўтказиш ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши йўлида ташки савдо алоқаларини олиб боришда техник тўсиқларни бартараф этиш имконини беради.

Муҳокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди.

Ялпи мажлисда ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш ва қурилишларни тартибга солиш бўйича қўрилаган чоралар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи муҳокама қилинди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда ҳудудларда аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида инфратузилмани ривожлантириш ва қурилишларни тартибга солиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган 7 йил давомида соҳани тартибга солишга оид 150 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарори билан тасдиқланган Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида жорий йил якунига қадар 1,6 триллион сўмлик 145 та ичимлик ва оқова сув объектида 803,4 километр ичимлик ва 242,8 километр оқова сув тармоқларини, 71 ичимлик, 26 та оқова сув иншоотларида қури-

лиш-монтаж ишларини амалга ошириш белгиланган.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва қурилишларни тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ўз ечимини қутаётган айрим масалаларга ҳам эътибор қаратди.

Мажлисда Сенат аъзолари томонидан айрим ҳудудлардаги инфратузилмани ривожлантириш ва қурилишларни тартибга солишда соҳага оид қонун ҳужжатларига тўла риоя қилинмаслиги, ноқонуний, айниқса, кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан амалга оширилаётган қурилишлар ва умумий фойдаланиш жойларини тўсиб олиш каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Бундан ташқари, техник иқтисодий асослари ишлаб чиқилмаган, аниқ ҳисоб-китоби йўқ лойиҳаларга ташки манбалардан маблағ жалб қилиш оқибатида халқаро молия институтлари маблағларидан бир йил ва ундан ортиқ муддатдан бери фойдаланилмасдан келинаётгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама якунида ушбу ва бошқа бир қатор масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Сенатнинг Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда сенаторлар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори М. Эгамбердиевга парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Таъкидланишича, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими такомиллаштирилиб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жиҳсоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритишда сансалорликка чек қўйишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунга қарамаздан, Сенат аъзоларининг жойларда ўз сайловчилари билан учрашувларида ва сайёр қабулларида фуқаролар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро

этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан кўплаб эътирозлар билдирилмоқда.

Ушбу масала сенаторлар томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинганда қатор салбий ҳолатлар аниқланган ва Мажбурий ижро бюросининг фаолиятида тизимли айрим камчиликлар ҳамда соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар мавжудлиги қайд этилди.

Жумладан, 2023-2024 йилларда Мажбурий ижро бюроси фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар сони ортган (2023 йилда 136 982 та, 2024 йилда 144 797 та).

Таҳлиллардан аниқланишича, мурожаатларнинг аксарият қисми алимент ундириш (2023 йилда — 69 058 та, 2024 йилда — 72 642 та) ҳамда бюро органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар (2023 йилда — 8 038 та, 2024 йилда — 11 425 та) билан боғлиқ масалаларни ташкил қилган.

Шунингдек, сенаторлар томонидан бюро органлари мурожаатларни қўриб чиқишга етарли эътибор қаратмаслиги, фуқароларга ўз вақтида ва тўғри тушунтириш бермаслиги оқибатида



Ақмол МУҲАММАДОВ олган суратлар.

алимент ундириш, суд қарорлари ижроси, зарарни ундириш, бюро органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ такрорий мурожаатлар сони ҳам ортганлиги танқид қилинди.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг I чорагида 255 та ишга тиклаш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари ўз вақтида бажарилмаган. Ушбу ижро ҳужжатларининг аксарият қисми ички ишлар (80), солиқ

органлари (18), таълим соҳаси (16), ҳокимликлар (14), солиқни сақлаш тизими (6) ҳиссасига тўғри келади.

Ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам айрим муаммолар мавжудлиги сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Муҳокама натижасида мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига парламент сўрови юбориш бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар ялпи мажлисда доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, уларга квота ажратиш ҳамда соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. Абдуҳакимовга парламент сўрови юбориш масаласини ҳам муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “бир туман — бир маҳсулот” тамойили асосида доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилган 73 та туманда 2024 йилда 22,3 минг гектар майдонда 100 турдан ортиқ доривор ўсимликлар хомашёси тайёрланган.

Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Германия ва Испаниянинг доривор ўсимликлар соҳасида фаолият олиб борувчи компаниялари билан манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Доривор ўсимликларни етиштириш бўйича 23,8 миллиард долларлик 25 та лойиҳа доирасида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

“Зарур доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва териб олиш амалиёти — GACP” давлат стандарти жорий этилган.

Шу билан бирга, доривор ўсимликларнинг давлат кадастри тўлақонли юритилмаётганлиги, табиий доривор ўсимликлар йиғиш учун квота ажратиш жараёнида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш каби ишлар етарли даражада амалга оширилмаётгани қайд этилди.

Тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, маданий ҳолда етиштирилган доривор ўсимликларнинг илмий асосланган агротехнологик ҳариталарини ҳудудлар кесимида ишлаб чиқиш, ёввойи турлардан селекция навларига рағайларга ўтиш, уруғчилик ҳўжаликлари ва оналик кўчатзорларини ташкил қилиш самарали йўлга қўйилмаганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, доривор ўсимликлар хомашёси ҳамда улардан олинган маҳсулотларни сертифицикатлаш ва стандартлаштириш лабораторияларини ташкил этишга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Муҳокама якунида ушбу масалаларга ойдинлик киритиш учун Сенатнинг парламент сўрови юборишга доир тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 13 та масала, шу жумладан, 9 та қонун қўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Қайд этилганидек, Ўзбекистон дунёда океанга чиқиш учун камидан икки давлат ҳудудидан ўтиши зарур бўлган икки мамлакатдан биридир.

Форум иштирокчилари эътиборига Ўзбекистоннинг минтақавий боғлиқлик ва интеграцияни кучайтиришга қаратилган ташаббуслари, жумладан, темир йўл ва автомобиль транспорти соҳасида Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Хитой каби мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар тақдим қилинди.

Айниқса, трансфтон йўлаги — Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўл магистрали истиқболдаги энг муҳим лойиҳалардан бири сифатида қайд этилди. Ушбу йўлак Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида савдо ва логистика алоқа-

ларини кескин ривожлантириш имконини беради.

Форум давомида Ўзбекистон делегацияси томонидан бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган давлатлар парламентлари ўртасида тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, “яшил” логистика ва замонавий инфратузилмани ривожлантириш, савдо ва транзит жараёнларини соддалаштириш ҳамда рақамли ечимларни жорий этиш бўйича парламентлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш тақлиф қилинди.

Бундан ташқари, илмий ва технология ҳамкорлик, инновацион ечимлар алмашинуви ва илмий форумлар ташкил этиш зарурати ҳам таъкидланди.

«Халқ сўзи».

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Туркменистоннинг Аваза шаҳрида ўтказилаётган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Миллий Мажлиси Раиси Саҳиба Гафарова ва Туркменистон Межлиси Раиси Дунёғўзал Гулманова билан учрашув ўтказди.

### Учрашув

Самимий руҳда ўтган мулоқотда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Суҳбат чоғида Хива шаҳрида ўтказилган Биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон парламентлараро форуми икки давлат ўртасидаги

дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда самарали тажриба алмашув майдонига айлангани таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган бундай форумлар икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон — Туркменис-

«Халқ сўзи».

Маҳаллаларга бориб жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўрганишлар олиб борилиб, маҳаллаларда илгари сурилган халқчил ташаббуслар асосида қонунларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар томонидан Фарғона, Тошкент, Жиззах вилоятларида ўрганишлар ўтказилди. 32 та туман-шаҳарда оғир ва ўта оғир ҳамда оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг омиллари таҳлил қилинди.

Ҳар бир ўрганиш якуни бўйича туманларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари ўтказилди. Сессияларда прокурор ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботи ҳамда ахбороти эшитилиб, уларнинг олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ҳар ойда аниқ бир соҳа, тармоқда коррупцияга қарши курашиш ҳолатини ўрганиш ва тегишли тақлифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўтган вақт давомида солиқни сақлаш, қурилиш, кадастр, давлат харидлари каби соҳалар бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан бюджетдан энг кўп маблағ олувчи вазирлик ва идораларда бюджет маблағларидан фойдаланишда коррупциявий ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича Мактабгача ва мактаб таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Сув ҳўжалиги вазирликларида ўрганишлар ўтказилди.

Ўтган даврда депутатлар томонидан коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган 14 та қонун

лоийҳаси ишлаб чиқилди. Фирибгарлик жиноятини кескин камайитириш ва содир этилишининг олдини олиш, давлат харидларида тўғридан-тўғри рақобатсиз савдоларга чек қўйиш, ижтимоий тармоқлардаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан жавобгарлик белгилаш, кибержиноятчиликка қарши курашиш, бу борадаги фирибгарликларнинг олдини олиш, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратишда коррупциявий омиллари бартараф этишга қаратилган жуда муҳим қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари раҳбарларининг уч марта, кўмиталар мажлисларида 20 марта ахбороти эшитилди, 3 та “ҳукумат соати” ўтказилди.

Коррупцияга қарши курашиш доимий ва узвий жараёндир. Худди шунинг учун ҳам Президентимиз ҳузурида бўлиб ўтган тақдимотда бу борадаги навбатдаги вазифалар белгиланиб, кўп ҳолларда коррупция иллатининг сабаблари четда қолиб, унинг оқибати билан курашилаётганлиги, коррупцияга йўл қўймайдиган превентив чоралар ҳали етарли эмаслиги ҳам танқидий таҳлил қилинди.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги ййгилишида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш борасида қуйи палата ва унинг органлари томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар борлиги қайд этилди.

Ҳокимлик, кадастр, банк ва солиқ идораларида бюрократия, “коррупциявий туйнуқлар” тўлиқ йўқолмаганлиги, жойларда ер ажратиш бўйича ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳалигача мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда коррупцияга қарши



курашишда депутатларнинг фаолигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳудудларда муаммони чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни бартараф этишга нисбатан таъсирчан парламент назоратини кучайтириш, асосланган тақлифларни ишлаб чиқиш жуда муҳимлиги айтиб ўтилди.

Давлат раҳбари томонидан берилган вазифалардан келиб чиқиб, депутатлар корпуси олдида турган муҳим йўналишлар қўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси томонидан келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан тайёрланган Чора-тадбирлар режаси атрафлича муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Унга кўра сайловчиларга маиший коррупцияга қарши курашишнинг аҳамиятини етказиш, маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро ҳамкорликни, шу жумладан, ҳар ойнинг 1 — 5 санасида — “жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталиги” доирасида тарғибот ишларини янада кучайтириш режа қилинди.

Соҳалар кесимида коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади.

Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва сарфлаш борасида

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан олиб бориладиган депутатлар назоратининг натижадорлиги ва ташаббусли бюджет жараёнларидаги ҳолатлар таҳлил қилинади.

Ҳудудларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликни барвақт профилактика қилиш, маиший коррупциянинг олдини олиш, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузасини Олий Мажлис палаталари тақдим этишининг аниқ муддатини қонунчиликда белгилашга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ййгилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси бир мандатли сайлов округларидан сайланган депутатларнинг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича Услубий тавсиялар қўриб чиқилди.

Ушбу услубий тавсиялар Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округидаги фаолиятида самарали, тизимли ва натижага йўналтирилган иш услубини жорий этишга қаратилган.

Ййгилишда кун тартибидagi бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматлари ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги битим тасдиқланди.

# МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Анжуман яқунлари бўйича самарали транзит транспорт тизимларини яратиш, маъмурий тартиб-таомилларни та-комиллаштириш ва чегара назорати тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича глобал асосни шаклланти-ришга қаратилган Олмаота харакат-лар дастури қабул қилинди.

2014 йил 3 — 5 ноябрь кунлари Австриянинг Вена шаҳрида БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамла-катлар бўйича II конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирнинг асосий на-тижаси 2014 — 2024 йилларга мўлжалланган Вена ҳаракат дасту-рининг қабул қилиниши бўлди. Дастур денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамла-катларнинг тараққиёт ва камбағал-ликка қарши курашиш бўйича муаммоларини ҳал этишга оид чора-тадбирларни назарда тутади. Ўзбекистон юқорида келтирил-ган ҳужжатлар доирасида муайян

муаммоларни ҳал этишга қаратил-ган халқаро саъй-ҳаракатларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, бар-қарор транспорт-логистика инфра-тузилмасини ривожлантириш, сав-до йўналишларини диверсификация қилиш ва минтақавий ҳамкорликини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбир-лар изчил амалга ошириляпти. Улар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш билан бево-сита боғлиқ бўлган миллий тарақ-қиёт стратегиясининг асосий йўна-лишларидан бирига айланди.

2022 йилда БМТ Бош Ассам-блеяси Ўзбекистон ташаббуси бил-ан 40 та давлат билан ҳаммуал-лифликда қабул қилинган Марка-зий ва Жанубий Осиё ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон трансффон темир йўли қурилиши, Ўрта транспорт йўлагини ривож-лантириш, “Бир макон, бир йўл” та-

шаббуси, Хитой — Марказий Осиё лойиҳалари каби йирик дастурлар ташаббускори бўлди ва уларда иш-тирок этди.

Бу ички инфратузилмани модер-низация қилиш — темир йўлларни қуриш ва электрлаштириш, замона-вий логистика узеллари ва терми-налларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар билан тўлдирилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Тур-кий давлатлар ташкилоти, Иқтисо-дий ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа мин-тақавий форматларда ўз кун тарти-бини фаол илгари сураётир.

Кўп томонлама ёндашув аллақа-чон ўз самарасини бермоқда. Ўзбе-кистон орқали транзит ташиш ҳажми ошиб бормоқда, мамлакат-нинг Евроосиёдаги транспорт хаби сифатидаги роли мустаҳкамланмоқ-да. Энг муҳими, объектив геогра-фик чекловларга қарамай, мамла-кат ташқи хавф-хатарларга чидам-лилигини кучайтириб, жаҳон иқти-

содиётига тўлиқ интеграциялашуви-га йўл очмоқда.

Ўзбекистонда денгиздан икки баравар узоқлик энди қийинчилик сифатида қабул қилинмайди. Бугун-ги кунда Ўзбекистон учун бу халқа-ро устуворликларни белгиловчи ва мамлакатни янги Евроосиё логис-тикасининг фаол иштирокчисига айлантирувчи стратегик омилдир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонда уюштирилган БМТ конференцияси-даги иштироки мамлакатнинг халқ-аро ҳамжиҳатликини мустаҳкамлаш ва муҳокама этилаётган муаммо-ларнинг барқарор ечимларини то-пишга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди ҳамда денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатларнинг глобал иқтисодий жараёнларга ин-теграциялашуви бўйича янги кун тартибини шакллантиришга конст-руктив ҳисса қўшади.

«Дунё» АА.

## Сиёсий партиялар фракцияларида

# АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.



Тадбиркорлар ва ишби-лармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-де-мократик партияси фрак-цияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш маса-лалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йи-гилишида белгилаб берилган вазифалар аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари томон-идан билдирилган ташаббус-лар партия электорати бўлган тадбиркорлар ва фермерлар учун муҳим экани, соҳага оид қонунларни янада такомил-лаштириш ва ихросини таъ-минлаш борасида ҳукумат идоралари билан ҳамкорлик-да иш олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишида “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат маҳсулотига хавфсиз-лиги бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, принцип-лари, давлат органларининг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб берилмоқда.

Мазкур йўналишдаги сани-тария чоралари, қоида ва нор-маларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби эса халқаро кўлаш тартиби ва нормалар билан уй-ғунлаштирилмоқда.

Муҳокама давомида фрак-ция аъзолари Севара Убайдул-лаева ва Рискул Сиддиқов қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билди-рур экан, депутатлар томони-дан берилган тақлифлар асо-сида қонун лойиҳаси тақоми-лига етказилганини айтишди.

Фракция аъзоларининг фик-рича, лойиҳада белгиланаёт-ган нормалар озиқ-овқат маҳ-сулоти хавфсизлиги соҳасида-ги муносабатларни Жаҳон сав-до ташкилоти қоидалари ва халқаро стандартларга муво-фиқ тартибга солиш, соҳада давлат бошқаруви ва назо-рати механизмларини замон талаблари асосида тақоми-лаштириш ҳамда ваколатли давлат органларининг вази-фаларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар то-монидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғи-лишида “Шаҳарсозлик рено-вацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳада шаҳарсозлик ре-новацияси асослари ва мақ-садлари, мажбурий шартлари, асосий принциплари, ренова-ция босқичлари, бу борада лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби, со-ҳада давлат бошқаруви асо-слари белгиланмоқда.

Муҳокама жараёнида фрак-ция аъзолари томонидан ре-новациянинг муҳимлиги, лекин шу билан бирга, унинг мустаҳ-кам қонуний асоси бўлиши ва бу борадаги дастурлар уй-жой мулкдорлари ҳамда кенг жа-датли малага ошириш ва стажи-ровка ўташ учун бюрога хизмат са-фарига юборишга, аъзо давлатлар ўртасидаги навбат асосида бюро лабораторияларида эталонларни қўшимча харажатларсиз калибр-лашдан ўтказишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ушбу Конвен-цияга қўшилиш Ўзбекистоннинг халқаро норма ва стандартларга садоқатини, хавфсизлик ва барқа-рор ривожланишга интилишини на-моён этади.

«Халқ сўзи».

дан ўтказилган, муҳокама да-вомида фуқаролардан келиб тушган таклиф ва эътирозлар-нинг инobatга олинганлиги юзасидан изоҳ сўралди.

Мутасаддилар кўтарилган саволлар бўйича батафсил жавоб, тушунтиришлар бериб ўтди. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзо-лари томонидан қўллаб-қув-ватланди.

Ўзбекистон “Адолат” со-циал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кам таъминланган шахсларга дав-лат ҳисобидан юридик ёрдам курсатиш тизимини янада та-комиллаштиришга қаратилган

учун барча зарур шароитни яратиши, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари-ни бузишига йўл қўйилмасли-ги қатъий кафолатланмоқда.

Шунингдек, шаҳарсозлик реновациясини амалга оши-ришда ҳеч ким суднинг қаро-рисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилляпти.

Шу билан бирга, шаҳарсоз-лик реновацияси доирасида ҳуқуқ эгасининг давлат орган-лари билан ўзаро муносабат-ларда хусусий мулк ҳуқуқини ҳамда ер эгасининг ерга бўлган ҳуқуқини амалга оши-риш борасида юзага келади-ган барча зиддият ва ноаниқ-ликлар ҳуқуқ эгасининг фой-дасига талқин қилиниши акс этапти.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига, айна чоғда заруратига алоҳи-да тўхталиб, уни тақомил-лаштириш бўйича ўз тақли-фарини билдирди. Айрим нор-малар юзасидан аниқлашти-рувчи саволлар кўтарилди.

Муҳокама давомида қонун ташаббускорлари депутатлар-нинг саволларига атрофлича жавоб берди. Билдирилган тақлифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жа-



қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси би-лан давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси кен-гайтирилмоқда. Хусусан, кам таъминланган шахслар муай-ян ишда ўзига нисбатан суд томонидан қўланилган қонун-нинг Конституцияга мувофиқ-лигини аниқлаш тўғрисида Конституциявий судга муро-жаат этганда, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишлари мумкинлиги белги-ланмоқда.

Фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов амалдаги қонунчи-ликка мувофиқ, янги норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан амалдаги ҳужжатларга тегиш-ли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини таъ-кидлади.

Қонун лойиҳаси матнида Конституциявий судга мурожа-ат қилган фуқаронинг илтимо-сига асосан, давлат ҳисоби-дан юридик ёрдам кўрсатади-ган адвокатнинг иштирокини таъминлаш чоралари назарда тутилгани, ушбу норма “Ўзбе-кистон Республикасининг Конституциявий суди тўғриси-да”ги Конституциявий Қонун ва “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунда акс этгани, лекин “Ад-вокатура тўғрисида”ги Қонун-да бу мезёр йўқлигини айтиб, мазкур қонун лойиҳасида назарда тутилган адвокатлик фаолияти турлари қаторига ушбу ҳолатни ҳам киритиш тақлифини илгари сурди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзаси-дан батафсил тушунтиришлар берди.

Йиғилиш якунида фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси фракцияси йиғилишида “Шаҳарсозлик ре-новацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Унда хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканли-ги, давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш

раёнида инobatга олинишини таъкидлашди.

Депутатлар қонун лойиҳаси-ни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғили-шида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратил-ган қонун лойиҳаси қизгин му-ҳокамага сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасида Иж-тимоий ҳимоя миллий агентли-ги ва унинг ҳудудий бўлинма-ларини етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда муқоаб жойлаштириш шаклларида бериш борасида-ги ваколатлари белгиланмоқда.

Болаларга тарбия, таълим бериш ва соғлигини сақлаш бўйича масъул шахсларга ўз мажбуриятларини бажармаган-лик учун маъмурий жавобгар-ликни белгилаш назарда тутилляпти.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ота-она ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан боланинг соғлигини тиклаш ва реабилитация учун қилинган қўшимча харажатларни бола фойдасига ундириш ҳақида ки-ритилган аризлар, етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳ-рум бўлган болани вазийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси яшаيدиган жойга доимий рўйхатга қўйишда давлат божи тўлашдан озод этиш назарда тутилляпти.

Муҳокама давомида фрак-ция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини, таклиф ва тавсияларини бил-дирди. Айрим нормалар юза-сидан аниқлаштирувчи савол-лар берди. Қонун ташаббус-корлари кўтарилган саволлар бўйича батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Депутатлар қонун лойиҳаси-нинг қабул қилиниши болалар-нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига катта йўл очишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

«Халқ сўзи».

## Сенат назоратида

# ҚОНУН РАД ЭТИЛДИ. НЕГА?

Олий Мажлис Сена-тининг 9-ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳуж-жатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмига кирадиган хиз-матларни кўрсатиш, шу-нингдек, тиббиёт ва фар-мацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амал-га ошириш тизимини та-комиллаштиришга қара-тилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғри-сида”ги қонун муҳокама қилинди.

Қонунда тиббиёт ва фарма-цевтика фаолияти билан шуғул-ланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус, профессионал тиббий таълим ташкилотларини тамом-лаган ва давлат рўйхатидан ўтказилган шахсларга эга бўлиши, бирламчи тиббий-са-нитария ёрдами муассасалари-да Давлат бюджетни маблагъа-ри ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатлан-ган ҳажмларига киритилмаган тиббий ёрдамнинг пуллик асо-да кўрсатилиши назарда тутилган.

Муҳокама жараёнида сена-торлар томонидан ушбу қонун-да қайта кўриб чиқилиши ло-зим бўлган айрим жиҳатлар борлиги аниқланди.

Хусусан, тиббиёт ва фарма-цевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таомилларини қонун даражаси-да белгилаш мақсадга муво-фиқлиги, қонунга тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш мақсади, рўйхатдан чиқариш асослари, бу ҳаракатларнинг оқибатлари, шунингдек, рўйхат-нинг очик бўлиши ва ундан аҳолининг фойдаланиши каби масалаларни киритиш лозим-лиги қайд этилди.

Бундан ташқари, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғриси-да”ги Қонуннинг 14-моддасида маъмурий тартиб-таомиллар-нинг мажбуҳ эмаслиги — маъ-мурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар жумласига киритилган.

Шуни инobatга олиб, маз-кур қонунни тақдим қилинган тахрирда маъқуллаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблан-ди ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билан ушбу қонун бўйича юзага кел-ган камчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссия-сини тузиш таклифи илгари сурилди ҳамда ушбу қонунни қайта кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисида Сенат қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР ҲУЖЖАТЛАР

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг 9-ялпи мажлисида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор қонунлар кўриб чиқилди ва муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Ана шундай қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни борасида сенаторлар ўз фикрларини билдирди.



## Ёшлар тақдирига бефарқ эмасмиз

Орзигул ҚОЗИХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Кейинги йилларда юртимизда вояга етмаганларни ҳимоя қилиш-га, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ислохот-лар амалга ошириляпти. Бу эса уларга нисбатан жиний жавобгар-ликини янада либераллаштириш, ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсини судланмаган деб ҳисоблашнинг алоҳида тартибини белгилаш заруратини юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиқиб, “Вояга ет-маганларга нисбатан жиний жа-вобгарлик янада либераллаштири-лиши муносабати билан Ўзбекис-тон Республикасининг Жиноят ко-дексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Жиноят кодексига тегишли қўшим-ча ва ўзгартиришлар киритил-моқда.

Янада аниқроқ айтидиган бўлсак, Жиноят кодексининг 77-моддаси қуйидагича тўлдирилмоқда: “Ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар содир этган жинояти учун тайинланган жа-зони ўтаб бўлган шахс судланма-ган ҳисобланади, бундан ўта оғир жиноятлар ёки содир этган жиноя-ти учун тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар қасддан янги жиноят содир этиш ҳоллари мус-тасно”.

Бу эса ўн саккиз ёшга тўлгун-ча қадар ўта оғир бўлмаган жи-ноятга қўл ургани учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланади, демакдир. Шунинг-дек, қонунда вояга етмаганларга нисбатан озодлиқни чеклашнинг ҳамда озодлиқдан маҳрум қилиш-нинг энг кам муддатини олти ой-дан бир ойгача қисқартириш на-зарда тутилмоқда.

Ушбу қонун вояга етмаганлар-нинг жиний жавобгарлигини яна-да либераллаштиришга хизмат қилиши билан бирга ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар содир этган жино-яти учун жазони ўтаб бўлган шахс-

жумладан, Ўзбекистон ҳам 2018 йилдан уюшган аъзо сифа-тида иштирок этмоқда.

Метрик Конвенциянинг асосий мақсади — давлатлар учун ўлчо-вар билригини таъминлайдиган умумий ва ишончли эталонлар яратиш, уларни сақлаш, миллий эталонларни халқаро прототиплар билан қиёслаш ва ўзаро тан олиш имконини берувчи ягона тизимни шакллантириш ҳамда бу орқали давлатлар ўртасидаги техник ҳам-корлиқни кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг ушбу Конвенция-га қўшилиши Жаҳон савдо ташки-лотига киришида хорижий давлат-лар билан метрология соҳасидаги алоқалар қўламини янада кенгай-тириш, шунингдек, миллий эталон-ларни халқаро прототиплар билан қиёслаш ва ўзаро тан олиш имко-нини берувчи ягона тизимни шакл-лантириш ва мамлакатда ўтказил-ган ўлчашлар натижалари халқаро даражада тан олинишига эришиш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мав-жуд 29 та миллий эталон ёрдами-да йилга 14 мингдан ортқ уску-налар калибрланади ва уларнинг ишончлилиги таъминланади. Бунда ушбу эталонлар халқаро даражада тан олиниши учун Конвенциянинг асосий органи — Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси доирасидаги солиштиришларда иштирок этиши лозим.

2024-2025 йилларда бюро база-сида илк бор Ўзбекистоннинг 8 та калибрлаш ва ўлчаш имконияти тўғрисидаги ёзуви рўйхатга олиниб, халқаро микёсда тан олинди. Ўзбе-кистон ҳозирги вақтда бюро дои-расида яна 22 та халқаро солиш-тиришда иштирок этиб келмоқда.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ ТАФОВУТ

## Уни бартараф этишнинг энг мақбул йўли қайси?

Глобал меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда профессионал ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, уни замонавий талабларга мос равишда ислоҳ қилиш борасида кўламли чора-тадбирлар кўриломқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — касбий ва олий ўқув юртлари битирувчиларини халқаро стандартларга жавоб берадиган, рақобатбардош ва юқори малакали мутахассислар этиб тайёрлашдир. Зеро, битирувчиларни меҳнат бозори талаблари асосида учирма қилиш дунё мамлакатлари олий таълим муассасалари олдида турган масъулиятли вазифага айланган.

### Мушоҳада



Бироқ иқтисодийётдаги ҳозирги кучли рақобат муҳити шароитида иш берувчиларнинг талаблари ҳам тобора ортияпти, бунга жавоб бериш мураккаблашиб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистондаги иш берувчилар, аввало, бўлажак ходимлардан иқидий фикирлаш, мустакил қарор қабул қилиш ва кенг дунёқараш каби кўникмаларга эга бўлишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, доимий равишда ўқиб ўрганиш, изланиш ва малака оширишни тақозо қилади.

### Билимга асосланган иқтисодиёт

Жаҳон тажрибасидан аёнки, шахсининг муваффақиятли фаолияти унинг янги билим ва кўникмаларга эга бўлишига боғлиқдир. Айниқса, замонавий касблар ҳодимдан бир нечта ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал этиш, тегишли кўникмалар мажмуасини талаб қилади. Мисол учун, касбий жиҳатдан малакали, аммо иқтимоий ва когнитив кўникмалари заиф бўлган муҳандис иш берувчи учун фақат чекланган аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шу маънода, ёшларнинг меҳнат бозорига ўтишдаги муваффақияти мулоқотга киришувчанлик, жамоада ишлаш қobiliятти, янги тажрибаларга очкилик, ҳиссий барқарорлик каби кўникмаларни нечоғли эгаллагани билан чамбарчас боғлиқ.

Бугун ишбилармонлик муҳити ўзгаришларига мослашувчан, янги технологияларни ўзлаштириш олган ишчи кучига бўлган эҳтиёж ортаётгани ҳам аини ҳақиқат. Чунки саноат ривож учун наинки янги билим, аини пайтда юқори малака ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода, ёш мутахассисларнинг ўқиш давомида олган билим ва кўникмалари уларнинг меҳнат бозоридидаги унумдорлик даражасини ҳам белгилаб беради, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунга қарамай, ёш мутахассислар маҳорат борасида юқори натижага эришиши қийин бўлиб қолмоқда. Сабаби, маҳорат инвестициялар орқали ошириш мумкин бўлган самарали қийматга эга шахсий хусусият бўлиб, у қўлчанча шахс эгаллаган билим, муносабат ва малакага боғлиқдир. Ҳозирги вақтда иқтисодиётда ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатишга йўналтирилётгани ўқиш ва ишда баъзи номувофиқликни келтириб чиқармоқда. Бошқача айтганда, олий таълим муассасаларида ўқиш орқали шакллантирилган кўникмалар билан меҳнат бозорида талаб қилинадиган ҳақиқий малака ўртасида фарқланиш кузатиляпти. Бу ялли меҳнат талаби ва ялли меҳнат тақлифи ўртасидаги тафовут борлигини англатади.

Бу ҳолат бутун дунёда рўй бераётгани, аиникса, ташвишлидир. Негаки, бундай номувофиқлик иш-

сизликни келтириб чиқарадиган, ишлаб чиқаришга салбий таъсир қиладиган, энг ёмони, меҳнат бозоридаги самарасизликнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли иш берувчилар талаби асосида битирувчилар малакаларини кўриб чиқиш билимга асосланган иқтисодиёт шароитида барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим омиллидир. Яъни олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари таълим жараёнида ўз саъй-ҳаракатларини ёшларда касбий ривожланиш учун билим, муносабат ва қадриятларни бирлаштирган компетенциялар раванқига, шунингдек, шахслардо кўникмаларни эгаллашга йўналтиришлари керак.

Олий ўқув юртлари битирувчиларини меҳнат бозорида талабга мутахассис қилиб тайёрлаш, бунинг учун ўқув дастурлари ва режасига малака-кўникмалар стандартларини интеграциялаш ваколатига эга. Бундан ташқари, иш берувчиларни курсни лойиҳалаш ва топширишга жалб этиш, четдан тақлиф қилинган мутахассислар маърузаларини киритиши ҳам мумкин. Шунингдек, инновацион ўқитиш усулларини қўллаган ҳолда, иш жойининг доимий ўзгарувчан ва мураккаб эҳтиёжларига жавоб бера оладиган юқори малакали битирувчиларни шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, битирувчиларнинг ўқиш давомида олган билим-кўникмалари меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига мос келадими ёки йўқлигини баҳолаш учун STEM таълим дастурлари моҳиятини тушуниши керак. Чунки олимлар мамлакатнинг иқтимоий-иқтисодий ривожланишига мазмунли ҳисса қўиши учун олий таълимнинг бозор талабларига тезкор мослашиши зарурлигини таъкидлайди. Зеро, олий ўқув юртлари, меҳнат бозори, иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар мустақамланиши касбий ва академик таълим ўртасидаги сунъий бўлинишни бартараф этишга, иш ва ўрганишни осонлик билан бирлаштирадиган экотизимни яратишга ёрдам беради.

### Ишсизлик даражаси қайси омилларга боғлиқ?

Савол туғилиши табиий: таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги му-

таносибликни таъминлаш учун нима қилмоқ керак? Масаланинг ечими қаерда?

Аввало, ёшлар университет аудиториясидан бошлаб меҳнат бозорининг замонавий талабларига жавоб бериш учун билим ва кўникмаларини мунтазам ошириш орқали ўзларини ўзгарувчан дунёга тайёрлаши лозим. Зеро, улардан умумий шахслараро ва мулоқот қobiliятлари билан қоришиб кетган юқори даражадаги интизомий кўникмаларга эга бўлиш кутилмоқда. Ишга тайёр бўлиш, зарур кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда минимал назорат билан ишлай олиш шулар жумласида. Бироқ Европада Болония декларациясидан (1999) кейин олий таълимнинг кенгайиши битирувчиларнинг меҳнат бозори ва иш берувчилар эҳтиёжларини қондиришга оид бир қатор саволларни туғдирди. Оддий айтганда, битирувчиларнинг кўп кўникмаларга эга бўлиш учун стандарт ўқув дастури тақдим этиш, талабаларнинг мартаба ривожланишини қўллаб-қувватловчи омилларни таъминлаш ўқув юртида муаммага айланмоқда. Ўз навбатида, олий ўқув юрти битирувчилари танлаган мутахассислиги ва даражасига мос иш топишда қийинчиликларга дуч келишяпти.

Ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиёда ҳам таълим инновациялар ва ихдоркорлик, мулоқот қobiliятти ва тадбиркорлик кўникмалари каби мавжуд меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб берадиган битирувчиларни тайёрлаш мураккаблигига қолмоқда. Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларда эса битирувчиларнинг муайян қисми меҳнат бозорида зарур бўлган ишга жойлашиш қobiliятлари йўқлиги сабаб ишсиз қолаётгани ҳам оддий ҳақиқат.

Тан олиш керак, минтақадаги олий таълим битирувчилари кўпинча мавжуд меҳнат бозорининг воқеликлари ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмас. Олий таълим муассасалари битирувчиларини саноат эҳтиёжларига жавоб берадиган зарур кўникмалар билан қуроллантиришда ортда қолмоқда. Бу эса битирувчиларнинг ишсизлик даражаси ошишига олиб келади. Ҳатто айрим йирик иш берувчилар малакали ишчи кучи йўқлигини иддао қилиб, иш жойларини тўлдирш учун янги ходимларни ёллаш, касбга тайёрлашга сармоя киритишга мажбур бўлаётганини очик-ойдин айтмоқда. Марказий Осиё минтақасининг бир қисми сифатида Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш муаммолар кузатиляпти.

Ўзбекистон аҳолиси сони кўрсаткичи бўйича минтақада биринчи ўринда туради. Бугунги кунда мамлакат нуфуси 38 миллион нафарга етган бўлиб, топография-

си, иқлими, этник гуруҳлари, тили ва маданияти жиҳатдан хилма-хилдир. Аҳоли асосий ўзбек тилидан ташқари, яна 8 тилда, жумладан, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, татар тилларида сўзлашади. Қишлоқ хўжалиги устун иқтисодий фаолият турларидан бири бўлиб, аҳолининг катта қисми ушбу соҳада меҳнат қилади. Лекин олий таълим ва меҳнат бозоридаги номувофиқлик камбағалликни қисқартиришга қаратилган сай-ҳаракатлар самарадорлигига соя ташлаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилиниб, соҳа тубдан ислоҳ этилмоқда.

### Сифат ўзгаришлари самараси

Замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги олий таълим ҳамда ўқитиш тизимларини ўсиб бораётган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарида тегишли технологияларни тушуниш ва улардан фойдаланишга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлашга эътибор қаратишга қажиряпти. На-тижада 2019 йилдан битирувчи ишчи кучининг малака даражасини иқтисодиёт талабларига мослаштириш борасида жиддий ўзгаришлар кузатила бошланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон сўнгги ўттиз йил ичида ўзининг олий таълим секторига кириш, сифат ва долзарбликни ошириш, университет ва коллежаларни мамлакат иқтисодиёти эҳтиёжларига мослаштириш учун жуда катта сармоя киритди. Бунинг самараси ўларок, мамлакатнинг олий таълим манзараси талабаларни қабул қилиш қамровини кенгайтириш, битирув дастурларини бирлаштириш нуқтаи назаридан тамомила ўзгарди. Айтайлик, 2019 йилда давлат университетлари сони 92 та, нодавлат олий таълим муассасалари сони эса 17 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг умумий сони 213 тага етказилди. Талабалар сони 1 млн. 300 минг нафардан зиёд. Яна бир муҳим кўрсаткич шуки, ёшларни олий

Олий таълим муассасалари сони ортиб, ёшлар қамрови ва битирувчилар сони ошиб бораётганига қарамай, уларнинг барчаси ҳам меҳнат бозорида ўзига мос иш топа олаётгани йўқ. Хар йили минглаб ёшлар ишсиз қолмоқда. Демак, битирувчилар ишсизлигининг ҳозирги суръатини қамайтириш учун, энг аввало, меҳнат бозоридаги малака эҳтиёжлари ва олий таълимдаги баъзи билим бўшлиқларини тўлдирш зарур. Бунда иш берувчилар талаб ва истакларини инобатга олиб, рақобатбардош олий таълим дастурларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шунингдек, давлат университетларида манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларига асосланган миллий компетенция ва кўникмалар сиёсати асосларини ишлаб чиқиш ўта муҳим. Ана шунда олий таълим ва меҳнат бозоридаги тафовут барҳам топиб, иш берувчилар талаб ва эҳтиёжларига мос юқори малакали мутахассислар етказиб беришга эришилади.

**Тошкент кимё-технология институти ректори, техника-педагогика фанлари доктори, профессор.**

**Ботир УСМОНОВ,**

таълим билан қамраб олиш даражаси 2022 йилги 38 фоиздан 42 фоизга ошди.

Шу билан бирга, 2023/2024 ўқув йили учун 48 та давлат олий таълим муассасасининг 20 та хорижий мамлакат билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари экспортизатдан ўтказилди. Ижобий хулоса берилган 289 та қўшма таълим дастури учун 6 818 та квота келишиб берилган. Техникумларда грант ўринлари сони 22 368 тага етказилди, 2022/2023 ўқув йилидаги нисбатан 1,5 баробарга оширилди. Академик лицей битирувчиларининг олийоҳларга ўқишга кириш кўрсаткичи 90 фоизга етди. Буларнинг бари таълим тизимида белгилаб берилган долзарб вазифаларнинг изчил ихроси ҳамда сифат ўзгаришлари самараси туфайлидир.

### Муҳандислар сони ошмоқда

2024 йилдан эътиборан Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги STEM таълими орқали мамлакатнинг кадрлар базасини яхшилаш учун давлат олий таълимнинг профессионал ва дастур аралашмасини қабул қилиш сиёсатини бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб касбларнинг 75 фоизи STEM фанларига алоқадор бўлиш кутилмоқда. Айна мана шу тизим асосида таълим олиш орқали ўқувчилар келажак муаммоларига ечим топа оладиган, янги кашфиётлар қилишга қодир кадрларга айланишга ишонилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, STEM — инглизча “Science”, “Technology”, “Engineering”, “Maths” сўзларининг қисқартмаси бўлиб, илм-фан, технология, муҳандислик ва математика фанларини ўз ичига олади ҳамда ушбу фанларни яхлит тарзда ўқитишни англатади. Бу йўналишдаги ўқитишда фани яхши ўрганиш, муаммони ҳал қилиш ва мантиқий фикрлашни ўзлаштиришга уруғ берилди. Натижада сўнгги ўн йил ичида мактаб битирувчиларининг 70 фоизи муҳандислик ва табиий фанлар факультетларига ўқишга кирди. Табиийки, муҳандислик йўналиши бўйича битирувчилар сони ҳам кескин ошди. Трансформацион режада ҳукумат STEM таълимга устувор аҳамият беришни давом эттиргани ҳолда, давлат гранти улушини мунтазам ошириш режалаштирилган.



### Спорт курашлари бўйича

#### жаҳон чемпионати якунланди

Грециянинг Афина шаҳрида спорт курашлари бўйича “U17” ёш тоифасидаги жаҳон чемпионати ниҳоясига етди.

Мусобақанинг сўнгги кунда эркин курашчиларимиз Улуғбек Рашидов (-51 кг.) қумуш, Миржало Мукаммалов (-45 кг.) бронза медалини қўлга киритди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси уч йўналишда жами 5 та олтин, 3 та қумуш ва 1 та бронза медалларини жамгарди.



### Енгил атлетикачиларимизнинг

#### халқаро мусобақадаги

#### муваффақиятли иштироки

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида енгил атлетика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Бутунжаҳон енгил атлетика федерациясининг (World athletics) тақвимидан ўрин олган бронза даражадаги мусобақада 14 мамлакатдан ташриф бу-



юрган спортчилар қобилият учун баҳс олиб борди.

Хусусан, Ўзбекистон терма жамоаси асосий таркиб билан иштирок этиб, 7 та олтин, 6 тадан қумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

### 2025 йилги «World Abilitysport Games» ўйинлари Таиландда

#### ўтади

Жорий йилги “World Abilitysport Games” ўйинларига Таиланд мезбонлик қилади.

Бу ҳақда ташкилот ўз расмий саҳифаларида маълум қилди.

Комплекс мусобақа 17 — 24 ноябрь кунлари Таиланднинг Накхонратчасима шаҳрида ташкил этилади. Ўйинлар дастуридан пара енгил атлетика, пара ўқ отиш (Гран-при) ва аравачада қиличбозлик (жаҳон кубоги) ўрин олган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон делегацияси ўтган йилги “World Abilitysport — 2024” ёшлар ўйинларида жами 60 та медаль билан 18 та мамлакат орасида биринчи ўринни қўлга киритган эди.

«Халқ сўзи».



### Шуқуҳ

Сурхондарё — ҳар қаричи муқаддас маскан. Хар гал Мустақиллик байрами яқинлашганда, тоғу адирлар бағридаги кенг қалбли халқнинг юраги янада баланд ургандай бўлади. Ана шундай Ватанга меҳр ва садоқат туйғуси бу йил ҳам турли тадбирларда, халқ оғзаки ижодида, чавандозлар ва полвонлар шахду шиддатида, бахшилар термаларида ўз аксини топмоқда.



# ОТ ЧОПГАНДА ГУМБУРЛАЙДИ ТОҒЛАР ДАРАСИ

Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам энг азиз байрамга тайёргарлик авж паллада.

Бойсун тоғ бағрида ташкил этилаётган умумхалқ сайилларида байрам қайфияти аллақачон бошланиб кетди. Миллий кийимдаги санъаткорлар чиқишлари, полвонларнинг давралардаги доврўкли наъралари, бахшилар-

нинг дўмбири садолари орқали истиклол мадҳ этилмоқда. Хар бир оҳангда, хар бир қадамда Ватанга муҳаббат, истиклолга чексиз шукроналик туйғулари барқ уриб турибди.

— Хуррият — бахт, эркинлик — жасорат манбаи, — дейди бойсунлик ўрол бахши Раҳимов. — Мустақиллик ҳаққимизга Аллоҳнинг берган неъматидир. Оталаримиз, боболаримиз орзу қилган эркин ҳаётни кўриб яшаймиз. Хар йили байрамни хушнуд қайфиятда нишонлаймиз, унга тайёргарлик кўришнинг ўзи ҳам кишига фахр бағишлайди. Тўю томошаларда, умумхалқ сайилларида дўмбиримиз садоси остида “От чопганда гумбурлайди тоғлар дараси” деган термалар қалбда жўш урмоқда.

Халқ — байрамнинг ҳақиқий эгаси. Сурхон халқининг байрамолди қайфияти — бу шукроналик белгиси. Юракдан сизиб чиққан туйғулар ифодаси, элнинг истиклолга меҳри ва эртанги кунга ишончи намунасидир.



— Истиклол миллат қаддини кўтарди, тилини бурро, ғурурини баланд қилди, — дейди меҳнат фажрийси Соҳиб Қувондиқов. — Фарзандларимиз билимли, эркин фикрлайдиган, ташаббускор авлод бўлиб вояга етляпти. Хар гал тўйларда, сайилларда бахшилар дўмбири чалса, Ватан деб алқаса, кўзимизга ёш келади, чунки бу сўзлар қалбимиз тубидаги туйғулар ифодаси. Мустақиллик нафақат озодлик берди, балки қалбларимизда ғурурни уйғотди.

Ҳа, сурхондарёликлар қалбида айём ўзгача бир шукроналик уйғотмоқда. Хув, нариги қирда кўпқари баҳси авжида — баҳодир чавандозлар улоқ айирмоқда. Уларнинг шашти-шиддатидан тоғлар-ку тоғлар, хатто қалблар гумбурлайди, чунки бу истиклол шодиёнаси. Кексалар эса дуога қўл очади: илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, бундай дориламон кунлар бардавом бўлсин!

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

### Андижон ихтисослаштирилган санъат мактаби негизида Шерали Жўраев номидаги музика ва санъат олий мактаби ташкил этилади

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буяурта Г — 842. 10 692 нуслида босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.14 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

### Халқ сўзи

#### Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши